2013 йил 26 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (12.394)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ




Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат

## БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

***Тошкентда Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси очилди.***

Ҳар қандай халқ, давлат ва жамият тараққиёти инсон ҳамда унинг манфаатларини ривожлантиришга нечоғли эътибор қаратилаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Айнан шу боис чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгича фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамланган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, қонунлар қабул қилиниши самарасида ёшларнинг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Моҳиятига кўра ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилаётгани юксак натижалар бермоқда.

Истиқлол йилларида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 мингта мактаб қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, ўқув жараёнини сифатли ва услубий янгилашга доир чоралар кўрилди. 1500 дан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория, компьютерлар ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминланди. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш учун давлат сарф-харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда мазкур соҳага нечоғли катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юртларида жаҳон тажрибаси инобатга олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этишга доир кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, мактабларнинг биринчи синфидан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилади.

(Давоми 2-бетда)

***Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий ифтихори ўз аксини топади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган «Амир Темур» ордени мамлакатимизда Соҳибқирон сиймосига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътибор ифодасидир.***

### 26 апрель – «Амир Темур» ордени таъсис этилган кун

## ЮРТ КЎКСИДАГИ МАНГУ ИФТИХОР

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.




Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди.

Бугун Амир Темурнинг бой маънавий ва маданий мероси, мардлик, донишмандлик ва ватанпарварлик фазилатлари ёш авлодга ибрат бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз бунёд эттирган бетакрор обидалар замин сайқали сифатида барчамизга ғурур-ифтихор бағишлаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан «Амир Темур» орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

«Амир Темур» ордени марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор – «Куч – адолатда» сўзлари битилган. Бу ҳикматда Амир Темурнинг ҳаётий эътиқоди, айни чоғда бугун мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг ҳам мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

Зеро, бу шаҳарлар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу тарихий ёдгорликлар бугун ҳам сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида қутлуғ тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Замонавий уй-жойлар, таълим ва маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, боғлар яратилди. Бундай ишлар бугун ҳам изчил давом эттирилаётир.

2004 йил 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг бу ғалабаси муносиб тақдирланди – Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Р.Қосимжонов «Амир Темур» ордени билан тақдирланди. Бу – Соҳибқирондан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшаётгани, истиқлол яратган имкониятлардан куч-қувват олиб, ўзини намоён этаётганининг гўзал ифодасидир.

«Амир Темур» ордени халқимизни янгидан-янги ютуқларга ундовчи куч, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолаверади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Сўз — халқаро форум иштирокчиларига**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ИШ ЮРИТИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

***Пойтахтимизда VI Тошкент халқаро сармоявий-молиявий форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Малайзия, Озарбойжон, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Беларусь, Кипр, Молдова, Украина, Руминия, Қозоғистон, Тожикистон каби қатор мамлакатлардан етакчи фирма ва компаниялар раҳбарлари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари улардан айримларининг фикрлари билан қизиқди.***

**Сунггил КИМ, «Ttiot» компанияси бош ижрочи директори (Жанубий Корея):**

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиётида изчил амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни кузатишим натижасида шуни англаб етдимки, мамлакатингизда бизнесни бошлаш ва уни муваффақиятли олиб бориш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда. «Ангрен» махсус индустриал зонасида сантехника-керамика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ttiot ceramic» корхонасини очишни мўлжаллаяпмиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз.

Мазкур халқаро форум ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганининг амалдаги намунасидир. Ўзбекистоннинг мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир тажрибаси аксарият давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Малика» меҳмонхонасида бўлиб ўтган давра суҳбати Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунининг ижросини таъминлашга бағишланди.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги барча туманлар ҳокимликларида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда «Тадбиркорлик куни» ҳамда «Битта тадбиркор учта ҳамкор» акцияси бўйича семинар-тренинг ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман халқ таълими методик фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бўлимида «Тинчлик учун курашмоқ керак!» мавзуида маънавият соати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида «Бир замин ва бир замон фарзандларимиз» деб номланган сайил бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Фарғона шаҳрида сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳияти ва аҳамияти, сайлов тизими ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини янада демократлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди.**
- **Қарши шаҳрида фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги роли ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлик истиқболлари мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**
- **Қанликўл туманидаги «Олтинкўл» ҳамда «Шериуши» овулларида истиқомат қилаётган уч мингга яқин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди. Бунинг учун 1 миллиард 42 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 11,4 километрлик сув тармоғи ишга туширилди.**
- **Андижонда Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими ва Хўжаобод туманидаги 9-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамкорлигида «Устоз – шогирдлар» деб номланган II ижодий кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада истеъдодли ёшлар тасвирий санъат борасидаги билимларини ошириш ҳамда тажрибали мусаввирлар билан ўзаро ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконига эга бўлди.**
- **Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан Нукус юридик коллежида коллеж битирувчилари, уларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикасидаги касб-ҳунар коллежларда яратилган шарт-шароитлар ва жорий йилда коллежларни тамомлаётган 15660 нафар битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Fish халқаро рейтинг компаниясининг экспертлари томонидан яқин икки-уч йил давомида олтин нархининг қиймати пасайиб бориши, Жанубий Африка Республикаси компанияларнинг эса ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммолар боис ушбу қимматбаҳо металларга нархларнинг тушишидан кўпроқ зарар кўриши тахмин қилинмоқда.**
- **Бангладеш пойтахти Даккага туташ Сарвар шаҳрида жойлашган бир неча тикув фабрикалари, дўконлар ва банкнинг бўлими мавжуд саккиз қаватли Rana Plaza биносининг қулаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 127 кишига етди. Минг нафардан ортиқ инсон турли даражада тан жароҳати олди. Воқеа жойида қутқарув ишлари давом этаётир. Вайроналар тагида одамлар борлиги туфайли кўнгилсиз воқеа қурбонларининг сони яна ошиши мумкин. Бундан ташқари, жабрланганларнинг кўпчилиги оғир аҳволда.**
- **Кишиларга хасталик юқиши ҳолатларининг қайд этилганлиги боис, Пекин шаҳрида H7N9 парранда гриппи эпидемиясининг олдини олиш бўйича штабнинг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу касалликнинг оммавий тарқалиши хавфининг олдини олиш мақсадида, маъмурлар парранда сотиладиган барча бозорларни ёпиш, каптархоналардан каптарларни учириш, учиб келувчи қушлар ва ҳайвонот боғларидаги қушлар ҳолатининг доимий мониторингини ўтказиш ҳамда мактаблар ва боғчалардаги болаларнинг соғлиғини текширишга қарор қилдилар.**

# БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга жавобан, ёшларимиз турли халқаро мусобақалар ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиздан 253 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиб, 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медали, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлди.

Халқаро жамоатчиликни Ўзбекистонда таълим соҳасида тўпланган тажриба ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, юқори маълумотли, интеллектуал ривожланган авлодни тайёрлашда давлатнинг роли билан кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан, саккизта халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 300 нафарга яқин эксперт иштирок этди. Улар Ўзбекистон тажрибасини ўрганиб, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўз қараши, танлови ва қатъий фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга қаратилган таълим тизимини ислоҳ қилиш принципларини қўллаб-қувватлади.

Шуниси эътиборлики, жорий йил 24-30 апрель кунлари мамлакатимиз кенг кўламли ва аҳамиятли халқаро интеллектуал мусобақалардан бири – Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадасига яна мезбонлик қилмоқда. Бундай тадбирларни ўтказиш бўйича мавжуд тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. 2008 йилда Ўзбекистонда кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг ўтказилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Иштирокчиларнинг назарий ва тажриба вазифаларини бажариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, олимпиада доирасида қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

24 апрель куни М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Румыния, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Украинадан 17 жамоа, олимпиада ташкилий қўмитаси, халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбирда бундай муҳим воқеанинг яна Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи, давлатимиз раҳбарининг келажак авлодга қаратаётган эътибори ҳамда ғамхўрлигидан далолат экани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Олимпиада уч – иккита назарий ва битта амалий босқичдан иборат. Унда 117 нафар йигит-қиз, яъни кимё фани бўйича миллий олимпиадалар ғолиблари иштирок этмоқда. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган жамоа мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика босқичлари саралаш турлари натижалари бўйича шакллантирилди. Олимпиада ғолиблари Москва давлат университети ва бошқа нуфузли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз ўқишга кириш имконига эга бўлади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкентда VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси очилди.***

# ИННОВАЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Инновациялар давлатнинг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат ва молия технологияларини жорий этиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни сақлаш ва кўпайтириш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта захирасини тўплаш маълум даражада инновация фаолияти билан боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлда имзоланган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш йўналиши инновацион иқтисодиётга ўтишни назарда тутади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов анъанавий Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ғоят муҳимлигини таъкидлади. Негаки, у муҳим вазифани ҳал этиш – инновацион тараққиёт жараёнларини кучайтириш учун саноатчилар, олимлар ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда.

Аввалги ярмаркалар натижалари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу тадбирларда икки мингдан зиёд инновацион ғоялар ва технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 44,7 миллиард сўмлик 1545 шартнома имзоланган эди. Натижада 480 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди, 19 турдаги янги маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш бошланди, 24 шартнома доирасида саноат-тажриба ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

«Ўзэкспомарказ»да бу йил олтинчи марта ўтказилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари кенг иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган ишланмаларга нисбатан талаблар йилдан йилга кучайтирилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг юқори технологияли секторига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ҳозирги шароитда фақат илмталаб маҳсулотларгина бозорлардан мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва йирик компанияларининг етакчи мутахассисларидан таркиб топган ишчи гуруҳи шунга риоя этган ҳолда, илмий, таълим, конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочиларнинг 607 аризасини кўриб чиқди. Улар орасидан саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармакология, ахборот, илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга доир энг истиқболли 550 технология, инновацион ғоя ҳамда лойиҳа танлаб олинди. Улар билан кўргазма майдончаларидаги стендлар орқали танишиш мумкин. Масалан, Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти темир йўл локомотивлари, автомобиль транспорти, тракторлар редукторлари ва углеводород хом ашёсини дастлабки ҳайдашга тайёрлаш учун мойлаш материалларини олиш технологияси, шунингдек, нефть-газ қудуқларини мустаҳкамлаш учун оғирлаштирилган тампонаж цемент ҳамда лойли бурғилаш қоришмалар учун оғирлаштиргични, Микробиология институти биогаз олиш учун маҳаллий метаноген микроорганизмларнинг маҳаллий ассоциацияси препаратлари, Қарши давлат университети кўкаламзорлаштириш учун гулли-манзарали ўсимликларнинг янги навлари, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ички ёниш двигатели ҳаво тозалагичининг фильтрловчи қурилмасини намойиш этмоқда.

Муқобил энергия манбалари, чунончи, қуёш энергиясида ишлайдиган технологиялар ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу мамлакатимиз ушбу соҳада улкан салоҳиятга эга эканлиги ва мазкур ишлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқдир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 март куни қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этишга оид Қарори қабул қилинди.

Масалан, Тошкент архитектура-қурилиш институти иссиқ сув таъминотининг қуёш-электр қурилмаси, Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти кўчма мураккаб фотоиссиқлик ҳосил қилувчи қурилма, электр ҳамда иссиқлик таъминотининг қуёш ва иссиқлик муқобил қурилмалари учун Стирлинг двигатели, қуёшдан кам кувватли зарядлаш қурилмаси, Фарғона политехника институти маиший қуёш сув иситгичлари ҳамда иссиқ ва қайнатилган сув олиш учун қуёш параболоцилиндрик аппаратни тақдим этмоқда.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни чуқур интеграциялаштириш мақсадида ўтган йилги ярмарка доирасида ташкил этилган «Технологиялар трансфери» йўналиши кенгайтирилди. Бу ерда аввалги тадбирда тақдим этилган ва бугунги кунда ҳам истеъмолчилар томонидан катта қизиқиш билдирилаётган 100 ишланма намойиш этилмоқда.

– Ярмаркада олтинчи марта иштирок этмоқдамиз, – дейди Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти профессори, техника фанлари доктори Мираҳмад Юнусов. – Уч йил аввал нефть-газ саноати катализаторларини намойиш этган эдик ва бугун улар амалда қўлланилмоқда. Бу қурилмалар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида муваффақиятли ишлатилмоқда, турли саноат реакторларида синовдан ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, илгари улар четдан олиб келинарди, бугун эса мамлакатимизда уларни ялпи ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Ярмарка бизга ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беради, деб ишонаман.

Шуниси эътиборлики, бу йилги ярмаркада ёш олимларнинг ғоя ва ишланмаларига кенг ўрин берилган. Негаки, ушбу жараёнга ёш авлод вакилларини кенг жалб қилиш мамлакатимиз инновацион иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун давлатимиз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратмоқда ва инновация тадқиқотларини ўтказиш учун шароит яратиб бермоқда. Бунинг самарасида кўплаб иқтидорли ёшлар натижалари катта амалий аҳамиятга эга ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган тадқиқотларда қатнашмоқда. Масалан, жорий йилги ярмарка экспозицияси 74 нафар ёш олим, талаба ва «Келажак овози» республика танлови ғолибларининг ишланмаларини ўз ичига олган.

– Бугун мен ўз лойиҳамни намойиш этиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят хурсандман, – дейди ЎзА мухбирига Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг тўртинчи босқич талабаси Сардор Ҳамроев. – Ушбу лойиҳам билан «Келажак овози – 2012» танловида ғолиб бўлган эдим. Унинг ўзига хослиги шундаки, лойиҳамиз асосида Ўзбекистон жанубида қуёш батареялари, шамол генераторлари, электр ва иссиқлик аккумуляторлари билан жиҳозланган экологик тоза уйларни қуриш ва бундан катта иқтисодий самара олиш мумкин. Айни пайтда Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Мамлакатимиз йирик саноат ишлаб чиқаришлари тақдимотлари бу галги ярмарканинг ўзига хос жиҳати эканини қайд этиш зарур. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси сингари корхона ва ташкилотлар мутахассислари ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар, технологиялар ҳамда лойиҳаларни жорий этиш самарадорлиги ҳақида сўзлаб бермоқда.

Ярмарка давомида инновацион тараққиётнинг ҳудудий муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтади. Вилоятларнинг бу борадаги тақдимотлари ўтказилади, жойларда инновацияларни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилади. Фермерлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширишда фойдаланишга мўлжалланган янги технологиялар ва инновациялар намойиш этилади.

Мухтасар айтганда, навбатдаги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси илм-фан ва ишлаб чиқаришни тўлиқ интеграциялаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича долзарб муаммоларни ҳал этиш учун илмий салоҳиятни кенг жалб этиш имконини беради.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари F.Ибрагимов, У.Розуқулов иштирок этди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ИШ ЮРИТИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Кахер КАЗЕМ, «GM Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси президенти ва бошқарувчи директори:**

– Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори автомобилсозлик соҳасида ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда америкалик шериклар билан ҳамкорликда тузилган кўплаб компанияларнинг, жумладан, двигатель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасининг фаол иш юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчил ривожланаётганига ёрқин мисолдир. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит, кенг имтиёзлар ва преференциялар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда.

Анжуманда халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар, хорижий ишбилармон доиралари вакиллари, олимлар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ислоҳотларга юксак баҳо берилди. Форум бизга турли мамлакатлардан келган экспертлар, ишбилармонлар ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ўтаётган баҳс-мунозаралардан баҳраманд бўлиш имконини берганидан хурсандмиз.

**Бабулал БАҲОДУР, «Orion medicity» компанияси раҳбари, (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган иқтисодий стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатингизда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этмоқда, ишлаб чиқариш юксалмоқда, экспорт кўрсаткичлари, жумладан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан оширилмоқда, уни диверсификация қилиш ва етказиб бериш кўлами кенгаймоқда, хорижий инвестициялар жадал жалб этилмоқда.

Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистонни ўз сармоясини киритиш учун энг жозибадор бозор сифатида қайд этмоқда. Ўзбекистондаги шериклари билан ҳамкорлик қилаётган ҳиндистонлик тадбиркорлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

**Ким ДОХУН, «KOGAS» корпорацияси вакили (Жанубий Корея):**

– Компаниямиз «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан 2006 йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимиз нафақат газ конларида геология-разведка ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш, балки полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олган. Яъни, газ хом ашёсини қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулот чиқарилади. Мазкур форумда мамлакатингиз билан ушбу йўналишларда амалга ошираётган самарали ҳамкорлигимиз, қўшма лойиҳаларимиз хусусида фикрлашиш имконини берганидан хурсандман.

**Ли ЖИНТОНГ, «Citic Construction» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари (Хитой):**

– Ўзбекистондаги турдош компаниялар билан 2000 йилдан самарали ҳамкорлик қилиб келамиз. Мамлакатингиз иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривож топаётгани Ўзбекистон танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортни диверсификация қилиш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя ҳажмида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

# ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАЪЛИМ РИВОЖИ

***Пойтахтимизда «Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда ахборот хизматлари ролини оширишнинг долзарб масалалари» мавзуида республика семинар-тренинги бўлиб ўтди дея хабар беради ЎзА.***

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш, унга энг замонавий педагогика ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ахборот хизматларига кўмаклашишдан иборат.

Тадбирда ахборот хизматларининг жамоатчилик билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш масалалари, халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг бугунги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

**Р.БОНДАРЧУК**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 19 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

# ОММАВИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Унда компания бошқарув жамоаси ва ходимлари, ҳудудий филиаллар вакиллари, «Мингинчи мижоз» акцияси ғолиблари, мижозлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифинг жамоатчиликни компания фаолияти билан таништириш ва ишончли суғурта компанияси сифатидаги мавқеини ошириш, суғурта бозоридаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш ҳамда истиқболдаги режалар билан таништириш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида ўтказилган «Мингинчи мижоз» акцияси ғолибларини тақдирлаш мақсадида ташкил этилди.

Суғурта бозорида 19 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Ўзбекинвест» компанияси ўтган давр мобайнида инфратузилма ва ҳудудий тармоққа эга йирик компанияга айланди. Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўлган компаниянинг эквиваленти бугунги кунда 60 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекинвест» мамлакатимиздаги 100 фоиз давлат улушига эга бўлган ягона суғурта компанияси ҳисобланади.

Суғурта маркази директори Шуҳрат Аминжоновнинг таъкидлашича, компания ўтган давр мобайнида қатор ижобий ютуқларни қўлга киритди. Сўнгги уч йилда суғурта мажбуриятларининг ўсиш суръати 1,8 баробарга, йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 137,5 фоизга ўсди.

«Ўзбекинвест» компанияси фаолиятининг устувор вазифаларидан бири, бу — миллий экспортчиларимиз ва инвесторларимизнинг мулкий ҳамда шахсий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлашдир. Сўнгги йилларда уларга кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 1,7 баробарга ўсди. Шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурта ҳимояси билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Кейинги уч йил ичида ушбу сегментда олинган суғурта мукофотлари 1,4 фоизга ўсди.

Ҳозирда компания жаҳон амалиётида қўлланиладиган 90 дан ортиқ анъанавий суғурта турларининг деярли барчасини ўзининг кенг ривожланган ҳудудий тармоғи орқали тақдим этиб келмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида доимий равишда оммавий ва ҳамёнбоп суғурта хизматлари ишлаб чиқилиб, тақдим этиб келинмоқда. Хусусан, «Менинг оилам», «Менинг соғлиғим», «Менинг уйим», «Менинг машинам» ва «Менинг бизнесим» каби янги суғурта турлари кундан кун оммалашиб бормоқда.

Мамлакатимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Компания томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар бажарилаётир. Тадбирда ушбу дастур доирасида ўтказилган «Мингинчи мижоз» акцияси ғолиблари эълон қилиниб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

